

9-10-2020

## LITERARY INTERPRETATIONS OF A PROBLEM OF A NATIONAL CHARACTER

Abduvakhob Kayumov

*FerSU, Doctor of Philosophy, Candidate of Philological Sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kayumov, Abduvakhob (2020) "LITERARY INTERPRETATIONS OF A PROBLEM OF A NATIONAL CHARACTER," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 40.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/40>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## LITERARY INTERPRETATIONS OF A PROBLEM OF A NATIONAL CHARACTER

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

## МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР МАСАЛАСИНИНГ ЖАҲОН АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ

Абдуваҳоб Қаюмов,

ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация:* мазкур мақолада характер ҳамда миллий характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши, талқин ва таҳлилга оид қарашлар тадқиқ этилган.

*Калит сўзлар:* миллий характер, сюжет, изчиллик, ҳикоя, роман, бадиий образ, тип, миллий услуб, ижодий лаборатория, умуминсоний гоя.

## ИЗУЧЕНИЕ ВОПРОСА НАЦИОНАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА В МИРОВОМ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ

Абдуваҳоб Қаюмов,

доктор философии по филологическим наукам (PhD), ФерГУ

*Аннотация:* в данной статье рассматриваются вопросы изучения, интерпретации и анализа характера и национального характера в мировой литературе.

*Ключевые слова:* национальный характер, сюжет, последовательность, рассказ, роман, художественный образ, тип, национальный стиль, творческая лаборатория, общечеловеческая идея.

## LITERARY INTERPRETATIONS OF A PROBLEM OF A NATIONAL CHARACTER

Abduvakhob Kayumov,

FerSU, Doctor of Philosophy, Candidate of Philological Sciences

*Annotation:* this article studies the views on the interpretation and analysis of the issue of national character in world literature.

*Keywords:* national character, plot, consistency, story, novel, artistic image, type, national style, creative laboratory, universal idea.

Характер назарияси жаҳон адабиётшунослигида чуқур ўрганилган масалалардан биридир. Антик даврлардан бошлаб бадиий характернинг муҳим жиҳатлари тўғрисида Платон, Аристотель, Квинт Гораций Флакк, Франсуа Ожье, Гегел, В.Е.Хализев, Л.И.Тимофеев, Н.Д.Тамарченко каби файласуф ва олимларнинг асарларида турли назарий қарашларни кузатиш мумкин. Улар яратган назарий билимлар мажмуаси кейинги тадқиқотлар учун асос вазифасини ўтади. Характерга оид бир қатор назарий асослар яратилгандан сўнг унинг турли қирраларини очиб беришга бағишланган тадқиқотлар яратилди. Характернинг кенг ўрганилган жиҳатларидан бири – миллий ўзига хосликдир.



В.Е.Хализев миллий ўзига хослик ҳақида сўз юритар экан, миллийлик ҳар бир миллатнинг руҳий-психологик ҳолати, яшаш тарзи билан боғлиқ эканини тўғри таъкидлайди ва байналминаллик миллийликни йўққа чиқаришини ҳам кўрсатади [1.327]. Бунда у, асосан, Ғарбий Европа маданияти ва адабиёти ҳақида сўз юритади. Бироқ олим нима учундир XX асрда руслаштириш оқибатида миллий адабиёт, миллий характерлар собиқ тузум адабиётшунослигида бир ёқлама талқин қилингани ва бунинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритмайди.

Миллий характер тўғрисида бошқа рус олимларининг фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Масалан, «Қаҳрамоннинг воқеалар тизимидаги вазифаси олам (оламлар) тузилиши ва даставвал бетартиб бўлган дунёни асраш ва қайта тиклаш учун зарурдир. “Қаҳрамон” тушунчаси тарихий тараққиёт жараёнида ҳам бундай азалий маъносини йўқотмаган. Масалан, Онегиннинг Татьяна билан учрашуви ёки Раскольниковнинг жиноятида ўз миллий дунёси ва келажагига қиладиган таъсири жиҳатдин буюк қаҳрамонлар, эпопеялар ҳаракатларининг халқлар ва давлатлар тақдирига қилган таъсирдан кам эмаслиги тасвирланади” [2.252]. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, олимлар характерни салбий хусусиятлар намоён бўлган шахс образи сифатида берадилар-да, типларни турларга ажратишда миллий типларни ҳам кўрсатадилар. Масалан, “бадий тасвирланган ҳаётий типлар фавкулудда кўп образлидир. Уларнинг орасидан *психологик* (темпераментлар ёки баъзан характер деб аталувчи етакчи қизиқиш, ҳиссиётлар)..., *ижтимоий* (касб-хунар, мавқе)..., *ижтимоий-тарихий* (масалан, Гоголнинг амалдорлари, савдогарлари, Островскийдаги сарсон дворянлар ва б.), *миллий* - романтик ёзувчилар (В.Скотт, П.Мериме, В.Гюго)даги лўлилар, Гоголь асарларидаги яхудийлар, Л.Н.Толстой асарларидаги французлар..., Достоевский асарларидаги поляклар) каби типларни ажратиш мумкин” [2.257]. Мазкур ўринда олимлар тип ва характерни Аристотель, Феофраст таснифига биноан гуруҳларга ажратишган. Аслида типларнинг бундай турлари драматик асарда яққолроқ кўринади ва унда характерлар, албатта, ўзаро зиддиятга киришиб асарни драматик ёки трагик кўринишга олиб келади. Биз буни “Ўзбек иши” ҳикояси мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, Вали тоға (Валентин) ўзига хос характерли инсон (бу ерда психологик тип), ўзи рус бўлса ҳам ёшлигидан ўзбеклашиб кетган, Ханифага миллий муносабатда бўлади. Корягин эса соф ижтимоий-тарихий тип, Бердиев эса ижтимоий тип (жамиятдаги мавқеига кўра), Жумановни эса миллий тип дейиш мумкин [3].

Бошқа бир олимнинг таъкидлашича, санъаткорнинг асосий вазифаси предметлашган характер орқали ўзининг ғояларини етказишдир [4.26]. Бу ерда И.Тэн қамровни кенг олган ва унда ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, кино, рақс ва, албатта, сўз санъатини, асосан, драматик асарларни назарда тутган. Бироқ баъзи эпик асарлар ҳам унинг фикрига мос келади. Масалан, “Дўппи” ҳикоясида, айнан, дўппи детали (предмети) орқали миллий кадриятларга хурмат ғояси сингдирилган. Раҳматжон характерида миллийликнинг юзага чиқишида дўппи предмети етакчи мавқега эга. Ўткир Ҳошимовнинг кўпгина ҳикояларида эса райхон детали миллий фонни ифодалашда асосий ўринни эгаллайди. Айрим ўринларда, райхоннинг ширин хиди оналаримиздан тараладиган тотли тароватга тенглаштирилади.

Тадқиқотчи Е.С.Пургина ўз ишида миллий характер атамасини “миллий хусусиятларни белгилаш (идентичность)”, “миллий менталитет”, “дунёнинг миллий харитаси, миллий “концептосфера” каби атамалар билан солиштиради. Бу ерда Е.С.Пургина муаммони адабиётшунослик доирасидан чиқариб, этнографик ва умумфалсафагача кенгайтириб, масалани мураккаблаштирган. Омма идрокида миллий ва этник стереотип сифатида намоён бўладиган аслида миллий характерга алоқаси бўлмаган жиҳатларни ҳам тадқиқ этган [5]. Диссертацияда инглиз миллий характери оид қарашлар аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, инглиз миллий характери шаклланишига таъсир қилган омиллар, “Орол психологияси”, инглизларнинг туғма хусусиятларидан бўлган “эмоционал сусткашлик” каби тарихий, ҳудудий, генетик таҳлиллар олимнинг ютуқларидан ҳисобланади. Бундай хусусиятларни ўзбек адабиётида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Дехқонқулда водий психологияси, Зиёдуллада воҳаликлар психологияси, Отабекда<sup>8</sup> ўзбекларнинг туғма хусусиятларидан андишалилик миллий характерни намоён қилувчи асосий белгилар ҳисобланади. Халқларнинг ўзига хос хусусиятлари шаклланишига турли омиллар таъсир этади. Бу борада Ю.Боревнинг қарашлари ҳам эътиборлидир.

Ю.Борев эса “қулликда қолган исланд халқи ўз тарихининг қаҳрамонлари бўлмаган даврида “сага” яратиб, уларда халқнинг орзу-ҳавасларини тасвирлаган. Яратилган сага – қўшиқларда исланд бадиий оламидаги садоқатли жасур қаҳрамон образлари юзага келган. Натижада замонавий исланд миллий характери шаклланди”, дея миллий характер пайдо бўлишида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти ҳақида сўз юритади [6.511]. Бу миллий характер шаклланишидаги етакчи хусусият сифатида белгиланиши мумкин. Лекин Юрий Борев мулоҳазасида адабиётшуносликдан кўра кўпроқ санъат моҳиятига урғу берилганини таъкидлаш лозим.

Бошқа бир манбада эса миллий характерга бадиий адабиёт моҳиятидан келиб чиқиб тўғри таъриф берилган. “У ёки бу миллий характерни англашда бадиий асар катта аҳамиятга эга. Адабиёт – бу, энг аввало, инсон ўз-ўзини ва атроф-борлиқни бадиий англашининг шаклидир. Унда миллатнинг ўз-ўзини англаш ва миллий тафаккур қилишнинг барча кўринишлари мавжуд” [7.7]. Масалан, Ў.Ҳошимовнинг “Умр савдоси” [8] ҳикоясидаги Пошша хола образи ўзбек оналари тимсоли сифатида гавдаланади. Унинг ҳаёт, турмуш ҳақидаги қарашларида миллий характер намоён бўлади. Тадқиқотчи А.Новикова ўз назарий қарашларида миллий хусусиятларнинг бадиий асарда аниқлик билан ифодаланишига эътибор берган. Тадқиқотда худди шу каби усулдан фойдаланиш рус олими А.О.Большев асарларида ҳам кўзга ташланади.

А.О.Большев тадқиқотида рус қишлоғи одамлари – дехқонларнинг характерлари В.Белов, В.Астафьева, В.Распутинлар ижоди мисолида таҳлил қилинган. Тадқиқотда қишлоқ аҳолиси, айнан дехқонларнинг ўрганилишида миллий характернинг ҳудудий ўзига хосликларини очиб бериш имкони туғилади. Дарҳақиқат, бир ҳудудда яшаши ва бир миллатга мансублигига қарамасдан қишлоқ

<sup>8</sup> Асар қаҳрамонлари: Дехқонқул – “Отамдан қолган далалар” (Т.Мурод), Зиёдулла “От кишнаган оқшом” (Т.Мурод), Отабек – “Ўткан кунлар” (А.Қодирий).

ва шаҳар аҳолисининг ҳам фарқли хусусиятлари кўзга ташланади. Уларда умуммиллий характерлар бир хил бўлса-да, хусусий фарқлар мавжудлиги аён ҳақиқатдир. Шунингдек, маълум бир ижтимоий гуруҳлар, соддароқ айтилганда, турли касб эгаларининг миллий қарашларида ҳам маълум даражада фарқлар кўринади. А.Большев тадқиқотида миллий характер ва халқ характери атамалари бир-биридан фарқланади. “Халқ характери миллий характер ва ижобий қаҳрамон категориялари кесишган нуқтада мавжуд бўлади” [9], дея таърифланади. Бу ўринда миллий характерга, юқорида таъкидлаганимиздек, умуммиллий хусусиятлар кирса, халқ характери деганда ҳудудий ва ижтимоий гуруҳларга хос умумий хусусиятлар эътиборга олинади. Миллий характер тушунчаси миллий руҳ, миллатга мансублик жиҳати билан халқ характеридан фарқланади. Тадқиқотчи характерлар таҳлилида деталларнинг серкатлам маъноларига ҳам эътибор қаратади. Мазкур масалага Е.Т.Бади-Монге тадқиқотларида ҳам алоҳида урғу берилган.

Е.Т.Бади-Монгенинг “Тува прозасида бадиий деталнинг миллий ўзига хослиги” мавзусидаги номзодлик диссертациясида бадиий деталларнинг миллийликка хос хусусиятлари майда бўлақларга бўлиб-бўлиб тадқиқ қилинади, ҳар бир деталнинг маъно ифодасига чуқур кириб борилади [10]. Ҳақиқатан ҳам, деталь бадиий асарда энг кўп маъно ташувчи воситалардан ҳисобланади. Ўткир Ҳошимовнинг “Деҳқоннинг бир куни” [3] ҳикоясида *дўппи, пахта, тандир, тўн, кўча, канал, алла* каби деталлар ҳам ўзбек характерини очиб беришга хизмат қилади. Айниқса, пахта детали воқеаларни ҳаракатга келтирувчи куч вазифасини бажарган. Бу деталь орқали Алижон ва Муяссарнинг руҳий олами, ботинида мудраб ётган туйғулари очиб берилади. Эр-хотиннинг бир кунлик ҳаёти, ўзбек оиласининг турмуш-тарзи, ўй-ташвишлари пахта билан уйғунликда ўзгариб боради. Бу ўринда деталлар қаҳрамон ички оламидаги миллий туйғуларни акс эттиришга хизмат қилган. Шунингдек, деталларнинг гоъвий вазифаси босқичма-босқич ривожланиб боради.

Замонавий тадқиқотларда ижодкор асарларининг тадрижий такомилли бўйича таҳлил намуналари ҳам кўп учрайди. Бадиий асарларда миллий характернинг ўсиб ёки ўзгариб боришини ўрганиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. А.А.Родионовнинг «Лао Шэ ижодида хитойликларнинг миллий характери» деб номланган номзодлик диссертациясида ҳам ёзувчининг ижодий камолоти босқичма-босқич таҳлил қилинади. Лао Шэ ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган турли омиллар, бу омилларнинг асарларда акс этиши масалалари ҳам чуқур таҳлил этилган [11.330]. Масалага бу каби ёндашиш ҳам кўпгина ижобий натижаларни беради. Бундай усулда тадқиқ қилинганда ижодкорнинг камолоти, асарларнинг мукаммаллашиб бориш жараёни, бу жараёндаги ютуқ ва камчиликлар аниқ кўзга ташланади. Масалан, собиқ совет тузуми ва мустақиллик йилларида ижод қилган ҳар қандай ўзбек ёзувчисининг асарларидаги миллий характерлар тадрижий ўрганилса, катта фарқлар кузатилади. Нафақат бу давр, мустақилликнинг дастлабки йигирма йили ва кейинги беш йилликда яратилган асарлардаги миллий характерларни қиёслаш учун етарли фарқларни кузатиш мумкин. Ижодкор ҳам, қаҳрамонлар ҳам замонга қараб ўзгариб бориши табиий ҳолдир. Ёки бир ижод намунаси мисолида миллий характернинг ривожланиши таҳлилида асарнинг



бадий савияси, ютуқ ва камчиликлари яққол кўринади. Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг “Янга” ҳикоясида қаҳрамоннинг миллий ўзлигини англаш жараёни босқичма-босқич ривожланишда тасвирланган.

Шунингдек, А.Родионовнинг тадқиқотида феъл, хулқ, урф-одат, расм-русум ва психологик лавҳалар, маданият, ахлоқдаги миллий кўринишлар ва миллий характердаги нуқсонлар ҳам тадқиқ этилган. Қаҳрамон характери орқали миллий нуқсонларнинг фош этилиши тадқиқотчининг ютуғидир. Миллий характер масаласидаги аксарият тадқиқотларда ижобий хусусиятлар тилга олинади, холос. Салбий хусусиятлар эса эътибордан четда қолади. Ёки баъзи ҳолатда салбий хусусиятларни ҳам улуғлаш, фазилат сифатида талқин қилиш кузатилади. Аслида бу жараёнга реал баҳо берган ҳолда миллий хусусиятлардаги салбий жиҳатларни ҳам таҳлил қилиш лозимдир.

Умуман олганда, характер масаласи жаҳон адабиётшунослигида доимий муаммолардан бири ҳисобланади. XX-XXI аср давомида В.Е.Хализев, Л.И.Тимофеев, Н.Д.Тамарченко, И.Тэн, Е.С.Пургина, Ю.Борев, А.О.Большев, Т.Бади-Монге, А.А.Родионов каби олимлар ва тадқиқотчилар характернинг турли қирралари очиқ беришга бағишланган илмий тадқиқотларини яратдилар. Характер тадқиқоти бағишланган бу илмий ишлардаги назарий қарашлар бугунги кунда янги тадқиқотлар учун йўл очиқ бермоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хализев В.Е. Теория литературы. –Москва: Высшая школа, 1999. – С.327.
2. Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н. Теория литературы. 2 томах. 1 том. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – Москва:Академия, 2004. – С.252.
3. “Ўзбек иши” ҳикояси қаҳрамонлари. Қаралсин: Ҳошимов, Ўткир. Ўзбеклар: Ҳикоялар, ўйлар, ҳажвиялар / - Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
4. Тэн И. Философия искусства. – Москва, 1996. – С.26.
5. Пургина Е.С. Концепция английского национального характера в романах Э.М.Форстера. Автореф. диссерт. на соискание учёной степени к.ф.н. Екатеринбург, 2008. 24 стр. [www.dissert.com](http://www.dissert.com).
6. Борев Ю.Б.Эстетика: Учебник. – Москва: Высшая школа, 2002. – 511 с. <http://independent-academy.net>.
7. Новикова, А. А. Николай Семенович Лесков: своеобразие художественного восприятия. – Орел.: Орлик, 2005. –Б. 7.
8. Ҳошимов, Ўткир. Сайланма: 2-жилд. – Т.: Шарқ, 1998.
9. Большев А.О. Проблемы народного характера в творчестве В.Белова, В.Астафьева, В.Распутина. Автореф.дисс.к.ф.н – Горький, 1986. [www.dissert.com](http://www.dissert.com).
10. Бади-Монге Е.Т Национальное своей образие художественного детала в Тувинской прозе. Автореф. диссерт. на соискание учёной степени к.ф.н. [www.dissert.com](http://www.dissert.com).
11. Родионов А. Национальный характер китайцев в творчестве Лао Шэ. Дисс. канд. филол. наук: Санкт-Петербург , 2001 330 с. [www.dissert.com](http://www.dissert.com).



28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М .....	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш .....	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И .....	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ .....	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С .....	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С .....	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж .....	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П .....	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И .....	215

**10.00.00**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А .....	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А .....	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А .....	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А .....	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р .....	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н .....	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О .....	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U .....	263